

# ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

YANVAR

ANDIJON, 2025

УМУМИЙ ЎРТА, ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ҚАСДДАН  
ОДАМ ЎЛДИРИШНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БЎЙИЧА МАХСУС КУРСЛАР ЎҚИТИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА  
ЗАРУРАТИ

**Касимов Нодиржон Содикжонович**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ 2-сон Тошкент академик лицейи директорининг ўкув ишлари бўйича ўринбосари, ИИВ Академияси докторантураси мустақил изланувчиси

**Аннотация:** Мақолада қасддан одам ўлдириш жиноятининг виктимологик профилактикаси тушунчаси, ушбу турдаги жиноятларнинг виктимологик профилактикасини ташкил этиш чоралари ҳамда умумий ўрта, ўрта-махсус таълим муассасаларида қасддан одам ўлдириш жиноятининг виктимологик профилактикасини бўйича маҳсус курсларни ташкил этиш ва ўқитишишининг аҳамияти ва зарурати тўғрисида сўз юритилади. Бундан ташқари нега айнан қасддан одам ўлдириш жиноятининг виктимологик профилактикаси ташкил этиш бўйича маҳсус курслар ўрта таълим муассасаларида ўқитишиши лозимлиги тўғрисида фикрлар билдирилган.

**Калит сўзлар:** Қасддан одам ўлдириш, виктимологик профилактика, умуий ўрта, ўрта маҳсус таълим муассасаси, жабрланувчи, хулқ-атвор, виктимология, маҳсус курс.

**Аннотация:** В статье рассматриваются понятие виктимологической профилактики умышленных убийств, меры по организации виктимологической профилактики данного вида преступлений, а также важность и необходимость организации и преподавания специальных курсов по виктимологической профилактике умышленных убийств в общеобразовательных средних и средних специальных учебных заведениях. Кроме того, были высказаны мнения о целесообразности преподавания в средних учебных заведениях специальных курсов по виктимологической профилактике умышленных убийств.

**Ключевые слова:** Умышленное убийство, виктимологическая профилактика, общее среднее, среднее специальное учебное заведение, жертва, поведение, виктимология, спецкурс.

“Виктимология” сўзи энциклопедик ва изоҳли луғатларда лотинчадан “виктима” – жабрланган, жабрланувчи ва юононча “логос” – таълимот, яъни жабрланувчилар ҳақидаги таълимот<sup>1</sup> деган маънони англатади.

Мамлакатимизнинг криминолог олимлари эса виктимология сўзининг (лотинча “виктима” – жабрланувчи ва грекча “логос” – таълимот) мазмунини очиб беришда энциклопедик ва изоҳли луғатларга асосланишган.<sup>2</sup> Айнан шунинг учун ҳам, уларнинг тадқиқотларида “курбон” атамаси ўrniga “жабрланувчи”, “жиноятлардан жабр кўрган шахс” атамаси кўпроқ ишлатилиши кўзга ташланади.

Қасддан одам ўлдириш жинояти жабрланувчиларига мустақил криминологик аҳамиятга эга бўлиш, жумладан, жабрланувчининг қонуний манфаатлари ва ижтимоий-хуқукий мавқеини одил судлов жараёнининг марказига қўйиш, унинг хуқуқлари билан айланувчининг хуқуқлари мувозанатини таъминлаш, хуқуқбузарлик содир этилишига тўлиқ ёрдам бериш зарурлигини англатади. Етказилган зарарни қоплаш, жиноят оқибатларининг оғирлигини камайтириш, қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этишга ёрдам берган сабаблар ва шартларни аниқлаш ва бартараф этиш.

Мамлакатимизда охирги беш йилда содир этилган қасддан одам ўлдириш жиноятларини

<sup>1</sup>Российская юридическая энциклопедия. – М., 1999. – 137-б.

<sup>2</sup>Криминология. Умумий қисм: Дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасурова ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 165-б.

# ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

YANVAR

ANDIJON,2025

ўсиш ва пасайиши 2019-2023 йилларда турлича бўлган. Мисол учун бу кўрсаткич 2019 йилда 351 тани ташкил этган бўлса 2020 ва 2021 йилларда қасдан одам ўлдириш жиноятлариниг маълум микдорда ошганлигини кўришимиз мумкин<sup>3</sup>. 2022 ва 2023 йилларда ушбу кўрсаткич пасайганлигини кўришимиз мумкин.

Қасдан одам ўлдириш жинояти жабрланувчиси жиноий хужумга учраган жисмоний шахсдир. Жиноят жабрланувчисининг криминологик тушунчаси эҳтимолий, потенциал жабрланувчини ҳам қамраб олади. Жиноятнинг потенциал жабланувчиси - ўзи билан бир хил бўлган бошқа ижтимоий субъектларга нисбатан унга нисбатан жиноий тажовуз қилиш эҳтимолини оширадиган хусусиятларга эга бўлган шахс.

Ҳозирги вақтда қасдан одам ўлдириш жиноятини виктимологик таҳлилсиз ўрганиш нотўғри эканлиги жуда асосли эътироф этилган. Жабрланувчининг шахсини ўрганмасдан, профилактика мавжуд анъанавий ёндашувлардан ташқарига чиқа олмайди. Бундай омиллардан бири жиноят жабрланувчиси ва унинг хатти-ҳаракатидир. Қасдан одам ўлдириш жиноятларининг виктимологик профилактикаси - жабрланувчининг хулқатворини шакллантирадиган ва жиноят содир этишга сабаб бўладиган омиллар, ҳолатлар, вазиятларни аниқлаш, бартараф этиш ёки заарсизлантиришга қаратилган ижтимоий институтларнинг ўзига хос фаолияти; ҳимоя хусусиятларини тиклаш ёки фаоллаштириш учун хавф гурухлари ва виктимлик даражаси юқори бўлган аниқ шахсларни аниқлаш; шунингдек, фуқаролар ва шахсларни жиноятлардан ҳимоя қилишнинг мавжуд маҳсус воситаларини ишлаб чиқиш ёки такомиллаштириш[1].

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра қасдан одам ўлдириш жиноятлардан энг кўп жабрланаётган шағслар булар умумий ўрта ва ўрта-маҳсус маълумотили шахслардир. Бундай шахслар умумий содир этилган қасдан одам ўлдириш жинояти жабрланувчиларининг 92 фоизинин ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики умумий ўрта ва ўрта-маҳсус маълумотга эга бўлган жабрланувчилар низоли вазиятларда ўзини қандай тувишни, қасдан одам ўлдириш жинояти содир этилиши мумкин бўлган ҳолатларда вазиятдан чиқиш йўлларини билишмайди. Шу сабабли энг кўп жабларгандар айнан шундай маълумотга эга бўлган шахслар орасида учрамоқда. Агар шахс яъни потенциал жабрланувчи низоли вазият вжудга келган ҳолатларда ундан беталофат чиқиш йўлларини билса ва бундай ҳолатларга тушмаслик йўлларида ҳабардор бўлса у албатта низоли вазиятдан чиқиш йўлларини топади. Шахсни қасддар одам ўлдириш жинояти жабрланувчиси бўлиб қолишини олдини оли учун унда албатта маълум бир кўникумалар ва билимлар бўлиши лозим. Ҳозирги кунда таълим муассасаларида бундай кўникумаларни ва билимларни бериш йўлга қўйилмаганлиги сабабли қасдан одам ўлдириш жинояти содир этилиб келинмоқда.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида қасдан одам ўлдириш жинояти профилактикасининг асосий йўналиши сифатида шахсларни ҳаётига бўладиган тажовузлардан ҳимоя қилиш мақсадида жабрланишни келтириб чиқарувчи омилларни барвақт аниқлаш уларни бартараф этишга қаратилган виктимологик профилактика долзарб масалага айланганлигини кузатиш мумкин. Ушбу масалада хорижий давлатлар анча олдин чоратадбирлар кўриш бошлаган. Масалан Германияда таълим муассасаларида фуқароларга ўзини ўзи ҳимоя қилиш усууллари ўргатилиши ўтган асрнинг 60 йилларидан бошланган. Ўқув муассасаларида “Виктимология асослари” ўқув курси сифатида ўқитилади.

Юкорида санаб ўтилган хорижий давлатларда ҳам қасдан одам ўлдириш жиноятларини виктимологик профилактикасини ташкил этиш айнан ўрта таълим муассасаларида ўтказилиши бежизга эмас. Чунки аҳолининг кўп қисми айнан ўрта маълумотга эга шахслар ҳисобланади.

Мамлакатимизда умумий ўрта ва ўрта-маҳсус таълим муассасаларида қасдан одам ўлдириш жиноятларини виктимологик профилактикасини ташкил этиш бўйича маҳсус

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агенглигининг расмий сайти. <https://stat.uz/uz/>

# ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

YANVAR

ANDIJON,2025

курслар жорий этилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Ушбу курслар узоқ муддатли бўлиши лозим эмас чунки бу нарса кўп вақтни олиши мумкин, шунинг учун ушбу курслар қисқа муддатли масалан 6 соатдан 24 соатгача ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Ушбу курслани ташкил этишдан асосий мақсад куйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим муассасаларининг ўқув режаларириг “қасддан одам ўлдиришниниг виктимологик олидини олиш” маҳсус курсларини киритиш;
- маҳсус курсларни виктимология соҳасида юқори тажрибага эга бўлган мутахассислар ва ички ишлар идораларининг профилактика хизмати ходимлари томонидан ўтирилишини ташкил этиш;
- ўқувчиларда низоли ваятлардан чиқиш ва бундай вазяларга тушиб қолмаслик ҳолатлари бўйича кўникмаларни ҳосил қилиш;
- жисмоний тарбия дарсларида ўзини жисмоний тажавуз ва хужумлардан ҳимоя қилиш усулларини ўргатиш;
- шахсни (потенциал жабрланувчини) тайёрлаш (маҳсус тренинг – жиноий вазиятларда жабрланувчининг ўзини тутиш борасида турли самарали варианtlарни ишлаб чиқиши);
- жабрланишга мойил бўлган шахсларни жиноий тажовузлардан ҳимоялашнинг даражасини ошириш;
- виктимлик вазиятларини пасайтириш, уларнинг олдини олиш;
- низоли вазиятга тушиб қолганда ундан қандай чиқиб кетиш чоралари кўриш бўйича кўникмаларни ҳосил қилиш;

Бугунги қунда Ўзбекистонда фуқароларни қасддан одам ўлдириш жиноятларидан виктимологик ҳимоя қилишнинг мустаҳкамланган тизими мавжуд эмас, жиноятнинг “заиф” томонини эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Жабрланувчиларга ёки потенциал жабрланувчиларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳурмат қилинишининг маҳсус кафолатлари асосида ёрдам кўрсатилиши керак. Бу йўналишларни амалга оширишга қисқа муддатда эришиб бўлмайди, уларни амалга оширишга виктимлик сиёсатини ресурс ва қонунчилик билан таъминлаш масалаларини изчил ўрганиш, шунингдек, жиноят жабрланувчилари билан муомала қилишнинг меъёрий стандартларини ишлаб чиқиш орқали эришилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ниёзова С.С.,Махмудов К.О. Зўрлик ишлатилиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси ва хориж тажрибаси//Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари: Мақоллар тўплами. –Т.,2020. –Б.371.
2. Майоров А.В. Международный опыт защиты жертв преступлений // Наука ЮУрГУ: материалы 66-й научной конференции Секции социально-гуманитарных наук. 2019.– С.112.
3. Вишневецкий К.В. Развитие понятий виктимности и виктимизации в Российской криминологии // Криминологический журнал. –2007. –№ 1 (11). –С.220.
4. Аванесов Г.А. Криминология. –М.,2006. –С.202
5. Ксеник А.А. Зарубежный опыт виктимологической профилактики преступлений // Молодой ученный. –2017. –№12. –С.412. <https://moluch.ru>.
6. Дресвянин С.П. Подготовка полиции США//Психопедагогика в правоохранительных органах. –1999. –№ 2. –С. 92-94.
7. Муродов А.Ш. Ички ишлар органларининг оиласидаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш: юрид. фан. бўйича фал.дри(PhD) ... дис. –Т.,2019. –Б.28,110.

# ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

**YANVAR**

**ANDIJON,2025**

8. Саткулов.Қ.А. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш: юрид. фан. бўйича фал.д-ри (Doctor of Philosophy)... дис. –Т.,2020. –Б.19,22.
9. Задорожный В.И. Концептуальные основы виктимологической профилактики преступлений:дис.... д-ра юрид.наук.–М.,2007. –С.154.
10. Лазерев В. В., Болтенко Ю. Н. Компетенция органов местного самоуправления Германии в сфере правопорядка // Местное самоуправление: теория и практика. Труды Академии Управления. –М., 1998. –С. 215
11. Муродов А.Ш. Ички ишлар органларининг оиласидаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш: юрид. фан. Бўйича фал.д-ри(PhD) ... дис. –Т.,2019. –Б.,110.
12. Борисова А.А. Основные направления и меры виктимологической профилактики //Научная статья. [Электронный ресурс]. Режим доступа:<https://cyberleninka.ru/>//(дата обращения: 14.10.2019
13. Хўжақулов.С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари мисолида): юрид. фан.бўйича фал. д-ри. ... дис. –Т., 2018. –Б.77
14. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.
15. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.